



А.Абдукаюмов ОЦЕНКА КЛИНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ В ДИАГНОСТИКЕ СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКИМИ РИНОСИНУСИТАМИ, СОЧЕТАННЫМИ С ХРОНИЧЕСКИМ ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТОМ.....	43
Ж.А.Шамсиев, К.Э.Рахманов, С.С.Давлатов ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ЭХИНОКОККОЗА ПЕЧЕНИ.....	45
М.Д.Джурсаев, А.А.Юсупбеков, Ф.Г.Улмасов, С.С.Мирзараимова, Х.Х.Кодиров РОЛЬ РАСШИРЕННО КОМБИНИРОВАННОЙ И МУЛЬТИВИСЦЕРАЛЬНОЙ РЕЗЕКЦИИ ПРИ ЗЛОКАЧЕСТВЕННЫХ НЕОРГАНИЧЕСКИХ ОПУХОЛЯХ ЗАБРЮШИННОГО ПРОСТРАНСТВА.....	49
У.Б.Захидов КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЯ ЮВЕНИЛЬНОЙ ГЛАУКОМЫ У БОЛЬНЫХ С ПРОГРЕССИРУЮЩЕЙ МИОПИЕЙ.....	51
Х.Ш.Алпысбаев, Ш.Г.Алимова, А.М.Шокиров ПОСЛЕОПЕРАЦИОННОЕ ВЕДЕНИЕ И РЕАБИЛИТАЦИЯ ДЕТЕЙ С ПАТОЛОГИЕЙ ТАЗОБЕДРЕННЫХ СУСТАВОВ ПОСЛЕ ХИРУРГИЧЕСКИХ ВМЕШАТЕЛЬСТВ.....	55
Р.Бектошев, М.Эргашев, О.Бектошев, А.Умаров ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПОЯСНИЧНОГО ОСТЕОХОНДРОЗА, ВЫЗЫВАЮЩИЕ КОРЕШКОВЫЙ БОЛЕВОЙ СИНДРОМ.....	58
М.М.Мирзахмедов СПОСОБ ЛЕЧЕНИЯ БОЛЕЗНИ ГИРШПРУНГА У ВЗРОСЛЫХ.....	62
JAMIYAT SALOMATLIGI VA SOG'LIQNI SAQLASH 	
ОБЩЕСТВЕННОЕ ЗДОРОВЬЕ И ЗДРАВООХРАНЕНИЕ	
Б.Маматкулов, К.Санакулов, А.У.Мирзаев НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДАГИ УМУМИЙ ВА КАСБИЙ КАСАЛЛИКЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	64
Д.О.Атаханова ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА КАЧЕСТВА И СТЕПЕНИ ЗАГРЯЗНЕНИЯ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ, ПОТРЕБЛЯЕМЫХ НАСЕЛЕНИЕМ КАРАКАЛПАКСТАНА.....	67
Г.Ф.Шерқўзиева, Б.Данаев, А.М.Юсупхўжаева, Ж.Мустанов ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-ГИГИЕНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ.....	72
SHARHLAR 	
ОБЗОРЫ	
Н.Л.Хабиллов, Ф.К.Усмонов, Т.О.Мун, Р.А.Рашидов, С.Ш.Рашидова, Р.Ю.Милушева ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ КОМПОЗИТНЫХ БИОРЕЗОРБИРУЕМЫХ МАТЕРИАЛОВ ИЗ ХИТОЗАНА В СТОМАТОЛОГИИ.....	74
Х.П.Камилов, С.С.Гуломова, Э.А.Гайбуллаев ОСОБЕННОСТИ ДИАГНОСТИКИ ЛЕЙКОПЛАКИИ ПОДОСТИ РТА.....	77
И.Р.Мавлянов, Л.Т.Даминова, А.Х.Аширметов, З.И.Мавлянов ПРОГНОЗИРОВАНИЕ РИСКА ВОЗНИКНОВЕНИЯ АЛЛЕРГИИ НА ЛЕКАРСТВЕННЫЕ ВЕЩЕСТВА: ДОСТИЖЕНИЕ И ПРОБЛЕМЫ.....	79
М.М.Рахматуллаева БАКТЕРИАЛЬНЫЙ ВАГИНОЗ И РЕПРОДУКТИВНОЕ ЗДОРОВЬЕ ЖЕНЩИНЫ.....	85
М.Эргашев, Р.Бектошев, О.Бектошев, А.Умаров ОБОСНОВАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ И ВЫБОРА СТАТИНОВЫХ ПРЕПАРАТОВ В КОМПЛЕКСЕ ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ДИСТРОФИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ (ОСТЕОХОНДРОЗА) ПОЗВОНОЧНИКА.....	88

Г.Ф.Шерқўзиёва, Б.Данаев, А.М.Юсупхўжаева, Ж.Мустанов

ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК-ГИГИЕНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

Тошкент тиббиёт академияси

Г.Ф.Шерқўзиёва, Б.Данаев, А.М.Юсупхўжаева, Ж.Мустанов. Эколого-гигиеническая оценка открытых водоемов

Цель исследования: оценка санитарно-гигиенических свойств открытых водоемов.

Материал и методы: объектом исследования была река Кизилсу в Сурхандарьинской области, в работе использован нормативный документ СанПиН № 0172-04 РУз.

Результаты и обсуждение: процент очищения взвешенных веществ реки Кизилсу в 2012 г. составил 54,7%, в 2013 г. – 62%. Как показали результаты обследования, показатели реки Кизилсу в 2012-2013 гг. отвечают санитарно-гигиеническим требованиям.

Ключевые слова: источники загрязнения, взвешенные вещества, самоочищение водоемов, хозяйственно-фекальные сточные воды, урбанизация, окружающая среда.

G.F.Sherkuzieva, B.Danaev, A.M.Yusuphujeva, J.Mustanov. Ecologic-hygienic assessment of open reservoirs

Research purpose: the assessing the sanitary-hygienic properties of open reservoirs.

Material and methods: the Kizilsu river in the Surkhandarya governorate was a subject of a study. The normative document № 0172-04 of the Sanitary rules and norms of the Republic of Uzbekistan was used in the work.

Results and discussion: the percentage of the purification of suspended substances of the Kizilsu river in 2012 made up 54.7%, in 2013 - 62%. As the research's results have shown the indices of the Kizilsu river in 2012-2013 satisfy sanitary-hygienic requirements.

Keywords: sources of pollution, suspended substances, self-purification of reservoirs, household-fecal wastewater, urbanization, environment.

Иссиқ иқлим шароитида ҳаёт ва инсон фаолияти учун сув алоҳида ўрин эгаллайди. XX асрнинг 30 йилларида урбанизация (шаҳарлашиш; шаҳар кенгайиши) сурьатининг ўсиши шаҳарларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини кескин кўндаланг қилиб қўйди. Жўшқин саноат ва турар жой қурилиши, аҳоли сонини тез ўсиши ташқи муҳитнинг ифлосланишига ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар табиат бойликларидан, хусусан сув ҳавзаларидан жадал сурьатларда фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу муносабат билан экологик ва санитар-гигиеник қонун қоидалар ишлаб чиқилиши ва уларнинг ижро этилишида давлат сиёсати ва иқтисодиётининг барқарорлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Айни чоғда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонун-қоидаларни такомиллаштириш ва ислоҳ қилишда нималарга эътибор берилишини, табиат объектларининг ҳуқуқий ҳолатини янги-ча сифатларга кўтариш учун бир қанча ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг санитария-гигиена йўналишида бир қанча қонун қоидалар ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилмоқда, яъни “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан очик

сувларнинг муҳофазалашдаги гигиеник талаблар Сан Қ ва М № 0172-04”да бир қанча қоидалар кўрсатиб ўтилган.

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган ҳамда тегишли халқаро меъёрларга мос ҳудудий база яратилган. Мамлакатимиз БМТнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва беқарор тараккиёт соҳасида энг муҳим конвенциялари ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларни ратификация қилиб, зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Экологик муҳитни асраб-авайлаш ва яхшилаш учун Ўзбекистонда кучли қонунчилик асоси яратилган. Қабул қилинган 27 та қонун ва Вазирлар маҳкамасини 46 та қарори атроф-муҳитга оид муносабатларни давлат йўли билан тартибга солишга йўналтирилган.

Очик сув ҳавзаларини энг кўп ифлослантувчилар сифатида металлургия, кимё, целлюлоза, қоғоз, нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳисобланади. Охириги йиллардаги кузатиш натижалари шуни кўрсатадики МДХ давлатларида кузатувларнинг 80% очик сув ҳавзалари нефть маҳсулотлари, 60% феноллар ва 40% ҳолатда металллар билан ифлосланмоқда.

Жадвал 1. “Қизилсу” дарёсининг 2011-2013 йиллардаги санитар-гигиеник кўрсаткичлари мониторинги

Кузатув йили	Кўрсаткичлар	Чиқинди сувларнинг тозаланганча мг/л	Чиқинди сувларнинг тозалангандан сўнг	“Қизилсу” дарёсида	
				Чиқинди сувларнинг ташланганча	Чиқинди сувларнинг ташлагандан сўнг
2012	Муаллақ моддалар	83	38	26	27
	КБЭ	48	17	3,6	3,9
2013	Муаллақ моддалар	66	25	48	5,1
	КБЭ	47	23,2	2,4	2,6

Ўзбекистон Республикасида очик сув хавзаларига ташланаётган чиқинди сувлар миқдори 150 млн/м³ дан ошиб кетмоқда, бунда “Навоийазот”, Навоий ГРЭС, “Электрохимпром” Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи ва бошқалар, Сирдарё, Зарафшон ва Чирчиқ дарёларининг сувларини оғир металллар, нитратлар, фтор бирикмалари билан ифлослантормоқда.

Айрим муаллифларнинг берган маълумотларига кўра, Орол бўйида экологик мувозонатининг бузилиши, ирмоқлардаги катта майдонларнинг чўлга айланиши жараёнининг давом этиши, Амударё ва Сирдарёдан келадиган сувнинг ифлосланиши ортиб бориши натижасида аҳоли ичишга ярайдиган чучук ва тоза сув манбаларидан айрилди. Тошкентдаги водопровод сувнинг ҳар бир литрида 0,3 грамм туз бўлса, Амударё этагида 3 грамм туз бор.

Бунинг устига сув таркибида гербицид, пестицид, дефалиант, саноат ва пахта далаларининг чиқиндилари борки, улар аҳоли соғлигига зарардир.

Ишимиздан мақсад очик сув хавзаларининг санитар-гигиеник ҳолатини баҳолашдан иборат бўлди.

Материал ва услублар

Очик сув хавзаларининг санитария ҳолатини гигиеник баҳолашда биз Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назоратини утказиш” тўғрисидаги қонун 1992 йил 3-июлда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очик сувларнинг муҳофазалашдаги гигиеник талаблар Сан Қ ва М № 0172-04” меъёрий ҳужжатлардан фойдаландик. Текширув объекти сифатида Сурхондарё вилоятидаги “Қизилсу” дарёси ҳисобланди.

Натижалар ва муҳокама

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз “Қизилсу” дарёсининг экологик-гигиеник ҳолатини баҳоладик. Бунда 2012-2013 йиллар динамикасида дарё сувнинг ифлосланиш даражаси ўрганилди ва қуйидаги натижалар олинди: “Қизилсу” дарёсининг узунлиги 82 км, кенгили-

ги 0,3- 0,5 км, сув ўтказиш қобилияти 0,5 км³ га эга.

2012 йилда Денов туманидаги тиббий муассасалари чиқинди сувларининг ва “Қизилсу” дарёси сувининг сифат кўрсаткичлари таҳлили қуйидагича: муаллақ моддалар миқдори чиқинди сув тозаланганча- 83 мг/л, тозалангандан сўнг- 38мг/л, “Қизилсу” дарёсининг сувида чиқинди сув ташланганча- 26мг/л, ташлангандан сўнг- 27мг/л. КБЭ чиқинди сув тозаланганча- 48 мг О/л, тозалангандан сўнг -17мг О/л, “Қизилсу” дарёсининг сувида чиқинди сув ташланганча 3,6мг О/л, ташлангандан сўнг 3,9 мгО/л ни ташкил этди.

2013 йил юқоридаги кўрсаткичлар қуйидаги миқдорда аниқланди: муаллақ моддалар миқдори чиқинди сув тозаланганча 66 мг/л, тозалангандан сўнг 25 мг/л, “Қизилсу” дарёсининг сувида чиқинди сув ташланганча 48мг/л, ташлангандан сўнг 51мг/л. КБЭ чиқинди сув тозаланганча 47 мг О/л, тозалангандан сўнг 25,2мг О/л, “Қизилсу” дарёсининг сувида чиқинди сув ташланганча 2,4мг О/л, ташлангандан сўнг 2,6 мг О/л ни ташкил этди.

Юқоридаги жадвалдан шуни айтиш мумкинки, 2012 й тозаланмаган чиқинди сувлар таркибидаги муаллақ моддалар 2013 йилга нисбатан 17 мг/л кўпни ташкил этмоқда, шу билан бир қаторда КБЭ ҳам ушбу йил кўрсаткичи 2013 йилга нисбатан юқори, чиқинди сувлар тозалангандан сўнг ҳам ушбу кўрсаткичлар юқори концентрацияда бўлди.

Хулосалар

1. Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики 2012 йил муаллақ моддалар 54,7 %, 2013 йилда эса 62% тозаланмоқда, КБЭ эса 2012 йил 31 мгО/л га, 2013 йилда эса 21,8 мгО/л га камайган,

2. 2012-2013 йилларда “Қизилсу” дарёси сувидаги муаллақ моддалар миқдори ва КБЭ кўрсаткичи бўйича гигиеник талабларга жавоб беради.